

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАТКАРИМОВ РАШИД МАШАРИПОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРНИ КЎП ЙИЛЛИК
ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Маткаримов Рашид Машарипович

Юқори малакали оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашнинг илмий-назарий асослари.....3

Маткаримов Рашид Машарипович

Научно-теоретические основы многолетней подготовки высококвалифицированных тяжелоатлетов.....33

Matkarimov Rashid Masharipovich

Scientific and theoretical basis of long-term training of highly qualified weightlifters.....61

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....65

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАТКАРИМОВ РАШИД МАШАРИПОВИЧ

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРНИ КЎП ЙИЛЛИК
ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Ped161 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.jtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонходжаев Талъат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Коробейников Георгий Валерьевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.jtsu.uz, e-mail: jtsu@jtsu.uz, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76,

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., (PhD), доцент

Ш.И.Алламуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

атлетика спорт тури бўйича ўрганилиши зарур бўлган масалалар, яъни оғир атлетика спортининг оммавийлигини ошириш, селекция ва танлаш ишлари бўйича илмий-услубий қўлланмалар яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларига ёш иқтидорли, қобилиятли спортчиларни етказиб бериш, халқаро мусобақаларда эришилган натижаларни сақлаб қолиш каби ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммоларни илмий тадқиқ қилиш ҳамда юкламаларининг оптимал нисбатларини ишлаб чиқиш учун машғулот жараёнини илмий асосда ташкил этиш зарурати юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ–5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ–4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарорларида кўзда тутилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш масалалари хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида олиб борилган. Оғир атлетика ривожланган давлатларда ушбу масала юзасидан илмий тадқиқот марказларидан Пекин спорт университети [Хитой], Эрон илмий тадқиқотлар институти [Эрон], Корея миллий спорт университети [Корея], Қозоғистон спорт ва туризм академияси [Қозоғистон], Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети [Россия], Токио спорт тадқиқотлари институти [Япония], Арманистон давлат жисмоний тарбия институти [Арманистон], Грузия давлат жисмоний тарбия ва спорт ўқув институти [Грузия], Васил Левский номидаги Миллий спорт академияси

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги сайтлар базасида амалга оширилган: <https://www.sportedu.ru/>, <http://www.bifk.ru/>, <https://www.auckland.ac.nz/>, <https://www.cardiffmet.ac.uk/>, www.canadiansportforlife.ca, <https://www.lsu.edu>.

[Болгария], Қатар спорт тадқиқотлари каби университетларида [Қатар] илғор тажрибалар амалга оширилган.

Жаҳонда оғир атлетика спорт тури бўйича жисмоний ва функционал тайёргарлик ҳамда спорт натижаларининг ўсиш динамикаси асосида ушбу спорт турига танлаб олиш механизмлари ишлаб чиқилган [Пекин спорт университети, Хитой], мусобақа машқларининг техник элементларини бажаришдаги ҳаракат траекторияси бўйича биомеханик таҳлиллари илмий жиҳатдан исботланган [Эрон илмий тадқиқотлар институти], кўп йиллик машғулотларнинг тайёргарлик босқичлари, машғулот юкламалари ва мусобақа машқларининг махсус машқларга нисбатлари машғулот юкламаларининг жисмоний тайёргарликка таъсири ва интеграциялари аниқланган [Корея миллий спорт университети], тайёргарликнинг сенситив даврларида жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган “оғир атлетикачиларнинг махсус жисмоний сифатларни ривожлантириш модели” ишлаб чиқилган [Қозоғистон спорт ва туризм академияси], тана тузилиши типлари ва техник элементларга таъсирини инобатга олган ҳолда тезкор-куч сифатларини муддатли ривожлантириш истиқболлари ишлаб чиқилган [Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети], ўқув-машқ гуруҳида оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, машғулот воситалари ҳамда юкламалари ҳажмини тақсимлаш имкониятлари кенгайтирилган [Токио спорт тадқиқотлари институти, Япония], шунингдек, ишчанлик қобилятини сақлаб қолишга қаратилган биокимёвий тадқиқотлар асосида мусобақалашим имкониятлари такомиллаштирилган [Арманистон давлат жисмоний тарбия институти] ҳамда ёш чегаралари бўйича жисмоний имкониятларни комплекс назорат қилишга янги ёндашув ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [Грузия давлат жисмоний тарбия ва спорт ўқув институти], шунингдек, оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик даври ва босқичлари бўйича юкламаларнинг оптимал нисбатлари ишлаб чиқилган [Васил Левский номидаги спорт академияси, Болгария], тайёргарликнинг турли босқичларида машғулот услубиятларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [Қатар спорт тадқиқотлари университети].

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш муаммолари бўйича халқаро илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, шунингдек, етакчи илмий-спорт марказлари бугунги кунда оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимини бошқаришни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Жумладан, оғир атлетикачиларнинг спорт тайёргарлиги тизимида техник такомиллашув асослари, машғулотларни мақсадли моделлаштириш ва индивидуал дастурларни ишлаб чиқиш, ўтиш даврида қайта тикланиш самарадорлигини ошириш, ҳар бир вазн тоифасига мос бўлган машғулот юкламаларининг оптимал нисбатларини ишлаб чиқиш, спорт формасини асосий мусобақалар вақтида юқори даражага олиб чиқишнинг илмий-назарий асосларини аниқлаш, истиқболли спортчиларни

жароҳатларсиз спорт муваффақиятини таъминлаган ҳолда босқичлар бўйича олиб чиқиш вазифалари доирасида амалий тажрибалар ўтказилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори малакали оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимини такомиллаштириш масаласи бир қатор муаллифларнинг илмий маълумотларида баён этилган, шунингдек, А.В.Паков, В.С.Аванесов, В.А.Нижегородов ва В.В.Новиков каби республика олимлари томонидан оғир атлетикачиларнинг машғулот юкламаларини такомиллаштириш масаласи тадқиқ этилган, барча босқичларда ёш оғир атлетикачиларнинг ёшга хос хусусиятлари ҳамда умумий ва махсус жисмоний сифатларнинг нисбий кўрсаткичларини тақсимлашга доир илмий изланишлар Э.И.Қодиров томонидан олиб борилган кўп йиллик машғулот жараёнини бошқариш услубияти бўйича К.Ф.Баязитов, даст кўтариш техник усулларини такомиллаштириш бўйича А.З.Ходжаев, қўлланиладиган воситаларни саралаш ва моделлаштириш бўйича М.Ў.Арзикуловлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган³.

М.А.Годик, Л.П.Матвеев, Т.С.Усмонходжаев, В.Н.Платонов, Н.Г.Озолин, Р.Д.Халмухамедов, В.М.Зациорский, В.Д.Фискалов, Р.С.Саламов, Ф.А.Керимов, Т.О.Бомпа, Ш.Х.Хонкельдиев, Ю.М. Юнусова каби етакчи спорт назариячиларнинг кўплаб илмий асарлари спортчиларни кўп йиллик тайёргарлигининг турли босқичлари ўртасидаги тизимли ва мантиқий алоқани, шунингдек, уларнинг кетма-кетлигини аниқлашга имкон берувчи тасавурларни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшган⁴.

³ Паков А.В. Динамика тренировочной нагрузки в многолетней тренировке узбекских тяжелоатлетов // Тяжелая атлетика: Ежегодник. - М., 1985, -С. 24-30. Паков А.В., Аванесов В.С., Нижегородов В.А., Новиков В.В. Оптимизация тренировочной нагрузки в тяжелой атлетике. Ташкент: Медицина, 1985. 134 с., Қодиров Э.И., Бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида ёш оғир атлетикачилар машғулотларининг хусусиятлари. Т., 2007. - 186 б. Баязитов К.Ф. Оптимизация тренировочного процесса тяжелоатлетов высокой квалификации в годичном цикле. дисс.п.н./ 2009. - 138 с., Ходжаев А.З. Спорт педагогик маҳоратини ошириш (оғир атлетика). Дарслик. Илмий техника ахбороти-пресс нашриёти, 2018. - Б. 21-91., Арзикулов М.У. Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот юкламаларини оқилона режалаштириш услубияти: монография. Т.: "O'ZKITOBSAVDO" нашриёти, 2020. 136 с.

⁴ Годик М.А. Контроль тренировочных и соревновательных нагрузок / ФиС, 1980. - 136 с.; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры (общие основы теории и методики физического воспитания; теоретико-методические аспекты спорта и профессионально-прикладных форм физической культуры): Учеб. для интов физ. культуры. М.: Физкультура и спорт, 1991. - 543 с, ил.; Матвеев Л.П. Общая теория спорта. Учебная книга для завершающих уровней высшего физкультурного образования. М.: 4-й филиал Воениздата. 1997. - 304 с.; Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов / Матвеев Л.П. К.: Олимпийская литература, 1999. - 320 с.; Матвеев Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты. 4-е изд., испр. и доп. СПб.: Издательство «Лань», 2005. - 384 с: ил.; Усмонходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью: (На материале общеобразоват. шк. Узбекистана) автореф. дис. докт. пед. наук. 13.00.01, 1995. - 50 с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения: учеб. тренера высшей квалификации / Платонов В.Н. М.: Советский спорт, 2005.- 820 с.: ил.; Платонов В.Н. Спорт высших достижений и подготовка национальных команд к Олимпийским играм. Москва: Советский спорт, 2010. 310 с.; Озолин Н.Г. Настольная книга тренера: Наука побеждать/Озолин Н.Г. М.: АСТ, 2004. - 863 с.; Халмухамедов Р.Д. Бокс. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2008. - 317 с.; Зациорский В.М. Физические качества спортсмена: основы теории и методики воспитания / Зациорский В.М. М.: Советский спорт, 2009. - 200 с.; Фискалов В.Д. Спорт и система подготовки спортсменов: учеб. / В.Д. Фискалов. М.: Советский спорт, 2010. - 392 с.; Salamov R.S. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiayati (sportning nazariy asoslari). Darslik. 2-jild. Т.: Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 2018. - 180 б.; Керимов Ф.А. Физическая подготовка юных спортсменов. Т.: Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 2018. - 320 с.; Tudor Bompa Periodization training for sports/Tudor Bompa, Carlo Buzzichelli. Third Edition. Human Kinetics, 2014. - 358 p.;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида оғир атлетика спорт назарияси ва амалиётининг муҳим муаммоларидан бири терма жамоаларнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур ва етарли бўлган спортчиларнинг тайёргарлигига эришишга кўмаклашувчи, спорт турининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ кўп йиллик тайёргарликнинг таркиби ва тузилишини аниқлашнинг оптимал йўлларини излаб топиш бўлиб, мазкур масалалар бўйича Ю.В.Верхошанский, А.Н.Воробьев, Л.С.Дворкин, И.П.Сивохин, В.Г.Олешко томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган⁵.

Оғир атлетика спорт турини янада ривожлантириш мақсадида турли ёш тоифалари ва спорт малакасига мансуб оғир атлетикачиларни тайёрлаш бўйича жаҳон олимларининг катта тажрибаси ва салмоқли илмий-услубий материаллари тўпланган.

Айрим мутахассислар воситалар ҳақида турлича фикр юритганлар ва уларни машғулотлар жараёнида асослашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, унда спортчининг саломатлик даражаси, жисмоний сифатларнинг ҳар томонлама ривожланиши, спорт маҳорати ва спортчиларнинг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия ва спорт воситаларининг сингиб кетиши эришилган муваффақиятларнинг жиддий кўрсаткичидир.

Кўп йиллик спорт тайёргарлик жараёнининг давомийлиги ва тузилиши кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида етакчи ўринни қуйидагилар эгаллайди: маҳоратнинг турли жиҳатлари шаклланишининг қонуниятлари; асосий функционал тизимларда адаптив механизмларнинг шаклланиши; спортчи тайёргарликни бошлаган ёш, шунингдек, у махсус тайёргарликка киришган ёш; спортчиларнинг юқори спорт натижаларини таъминловчи мусобақа фаолияти ва тайёргарлигининг тузилиши; спортчиларнинг индивидуал ва жинсий хусусиятлари; шунингдек, машғулот жараёнининг мазмуни – воситалар ва усуллар таркиби, юкламаларнинг динамикаси, машғулот жараёнининг турли таркибий тузилмаларини яшаш, кўшимча омиллардан фойдаланиш (махсус овқатланиш, тренажерлар, иш қобилятини рағбатлантирувчи ва тикловчи воситалар ва бошқалар).

Бироқ, юқорида келтирилган масалаларда оғир атлетикачиларнинг кўп

Хонкелдиев Ш.Х. Динамика двигательной активности молодежи, проживающих в условиях жаркого климата / Материалы Всесоюзной научно-теоретической конференции, Томск, 1990, - 35 с.; Юнусова Ю.М. Основы спортивной тренировки. –Ташкент: 2007. - 268 с.

⁵ Верхошанский В.Ю. Основы специальной силовой подготовки в спорте / 3-е изд. – М.: Советский спорт, 2013. 216 с., Верхошанский Ю.В. Принципы организации тренировки спортсменов высокого класса в годичном цикле. // Теория и практика физической культуры, 1991, №2, - С. 32-34., Воробьев А.Н. Взаимосвязь объема и интенсивности тренировочных нагрузок функционального состояния тяжелоатлетов // Теория и практика физической культуры, 1966, №4, - С. 26-30., Воробьев А.Н. Тяжелая атлетика. 4-е изд. перерас. - М., ФиС, 1988. - 238 с., Дворкин Л.С. учеб. Тяжелая атлетика, методика подготовки юного тяжелоатлета. 2-изд., М. «Юрайт» - 2017 г. - 336 с., Сивохин И.П. Структура специально вспомогательных упражнений при совершенствовании техники рывка штанги. автореф. дис... канд. пед. наук. М., 1990, - 23 с., Сивохин И.П. Сравнительный анализ биомеханических характеристик движения специально-подготовительных упражнений и классического рывка штанги // Вестник физической культуры. - 2009. - № 2. -С. 90 - 94., Олешко В.Г. Особенности временных и угловых характеристик техники тяжелоатлетов различной квалификации, // Тяжелая атлетика: Ежегодник. - М., ФиС, 1982, - С. 34-35., Олешко В. Пуцов С. Проблемы нормирования интенсивности тренировочной работы спортсменов высокой квалификации в тяжелой атлетике / Наука в олимпийском спорте. 2007.-№1, - С. 32-38.

йиллик тайёргарлиги ҳақидаги назарий ва илмий-методик тасаввурлар мақсадли бошқариш, хусусан, спорт захирасини тайёрлаш босқичларининг узвийлигини, спорт натижаларининг ўсишига, кўп йиллик спорт тайёргарлигининг турли босқичлари тузилиши ва мазмунига таъсир этувчи муҳим омиллар ҳамда оғир атлетикага ихтисослашган спортчилар учун ўқув-машғулот жараёнининг узоқ муддатли ташкил этилишини таъминлаш объекти сифатида етарли даражада очиб берилмаган.

Оғир атлетика бўйича ахборот манбалари таҳлили ва илғор спорт амалиёти тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, кўп йиллик спорт тайёргарлигининг турли босқичларида оғир атлетикачиларни тайёрлашнинг кўплаб назарий ва амалий масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Бу ҳолат оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлигини бошқаришни янада такомиллаштириш масаласи долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари стратегияси ва истиқболли режасига мувофиқ V.I/26 “Ўсмир, ёшлар ва катталар терма жамоаларида малакали ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимида спорт маҳоратини шакллантиришнинг турли босқичларида қўлланиладиган юклама ҳажми, шиддати, воситалари, методлари ва усуллари танлаш ҳамда оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашни бошқариш тизимининг назарий-методологик ҳолатини таҳлил қилиш асосида оғир атлетикачиларни саралашда антропометрик кўрсаткичлар, жисмоний сифатларнинг ривожланганлик даражаларидан келиб чиқиб, тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушаклари кучининг турли ёш даврларида техник элементларни бажара олиш кўрсаткичлари бўйича спортга саралаш имкониятларини аниқлаш;

оғир атлетикачиларнинг куч қобилиятларини ривожлантириш учун дам олиш оралиқларини режалаштиришда организмнинг тўлиқ тикланиш имкониятидан келиб чиқиб, кўп куч сарф қилинадиган машқларни динамик ва статик фаолиятда махсус ҳаракат сифатлари бўйича зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш;

оғир атлетикачиларнинг мусобақа шароитида штангани кўтаришда ҳар бир ёндашув имкониятларини намоён қилиш учун куч қобилиятига нисбатан техник тайёргарлигини оширишнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;

кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимининг ҳар бир босқичи бўйича организмнинг захира имкониятларидан келиб чиқиб, спорт натижаларининг ўсишига таъсир қилувчи мусобақа юкласининг ҳажм ва шиддат

кўрсаткичлари янги услубиятини ишлаб чиқиш;

оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик тизимини ўтиш даврида жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олиб толиқиш омилларини бартараф этиш учун шиддатли юкламалар қўлланилиши натижасида чарчоқ аломатлари ортишини ҳисобга олиб, иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимида назарий ва илмий-услубий асос сифатида спорт маҳоратини шакллантиришнинг турли босқичларида узоқ муддатли устувор йўналишларни белгилаш учун мақсадли йўналишдаги воситалар, методлар ва усулларни танлаш орқали оғир атлетикачилар кўп йиллик тайёргарлигининг ўзбек моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон оғир атлетика миллий терма жамоаси билан олиб бориладиган кўп йиллик тайёргарликнинг машғулоти ва мусобақаларга тайёрлаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашда машғулоти, восита ва методларини танлаш, юклама параметрларини бошқариш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотларни илмий-назарий таҳлил қилиш, турли малакага эга оғир атлетикачиларни тайёрлаш бўйича маҳаллий ҳамда хорижий мураббий ва мутахассисларнинг тажрибасини умумлаштириш, машғулоти ва мусобақа ҳужжатларини таҳлил қилиш (спортчилар кундаликлари, йиллик индивидуал режалар, мусобақа баённомалари), педагогик кузатувлар, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимида оғир атлетикачиларни саралашнинг антропометрик кўрсаткичлари, жисмоний сифатларини ривожлантириш даражасидан келиб чиқиб тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларнинг статик мувозанатини ёш кўрсаткичларига нисбатан техник элементларни танлаб реакция қилиш сезирлигини аниқлаш ҳисобига дастлабки саралаш имкониятлари кенгайтирилган;

оғир атлетикачиларнинг куч қобилиятларини ривожлантириш учун дам олиш оралиқларини режалаштиришда организмнинг тўлиқ тикланиш имкониятидан келиб чиқиб кўп куч сарф қилинадиган машқларни динамик ва статик фаолиятда машғулотига киритиш ҳисобига махсус ҳаракат сифатларини зарур бўлган кўникма ва малакаларини шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

оғир атлетикачиларни мусобақа шароитида штангани кўтаришда ҳар бир ёндошув имкониятларини намоён қилиш учун куч қобилиятига нисбатан техник тайёргарлигини оширишда мусобақа машқларини ассиметрик тартибда (куч сифати юқори спортчига техник машғулоти, техник имконияти

юқори спортчига куч машқларини) қўллаш ҳисобига спорт кўрсаткичларини ошириш имконияти такомиллаштирилган;

кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимининг ҳар бир босқичларида мусобақа шароити бўйича организмнинг захира имкониятлари таъсирчанлигидан келиб чиқиб спорт натижаларини ўсишига таъсир қилувчи шиддат зоналаридаги оғирликлар ўзгарувчанлигини регламентлаштириш (мусобақага яқин асосан 4-5 шиддат зонасига ўтказиш) ҳисобига мусобақа шиддатини машғулот юкламасининг ҳажм нисбати бўйича янгича қўллаш услубияти ишлаб чиқилган;

оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик тизимини ўтиш даврида жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олиб толиқиш омилларини бартараф этиш учун шиддатли юкламалар қўлланилиши натижасида чарчоқ аломатларини ортишидан келиб чиқиб индивидуал ёндошув орқали иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуасини (ёзувчи ва букувчи мушаклар учун стречинг машғулотларини) ишлаб чиқиш ҳисобига организмни катта юкламаларга мослаштириш имконияти такомиллаштирилган;

оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимида назарий ва илмий-услубий асос сифатида спорт маҳорати шаклланишининг турли босқичларида устувор йўналишларни белгилаш учун гуруҳдан гуруҳга ўтиш, саралаш, спорт маҳоратини ошириш ва эришилган натижаларни сақлаб қолишдаги стратегик ёндошувни такомиллаштирувчи воситалар ва методларни танлаш асосида мусобақа шароити бўйича машғулот юклама параметрлари вариативлигини рационаллаштириш ҳисобига оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимининг ўзбек модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимида оғир атлетикачиларни дастлабки саралаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

оғир атлетикачиларнинг куч қобилиятларини ривожлантириш учун дам олиш ораликларини режалаштиришда кўп куч сарф қилинадиган машқларни динамик ва статик фаолиятда қўллаш имконияти такомиллаштирилган;

оғир атлетикачиларни мусобақа шароитида штангани кўтаришда ҳар бир ёндашув имкониятларини намоён қилиш учун куч қобилиятига нисбатан техник тайёргарлигини оширишда мусобақа машқларини қўллаш механизмлари такомиллаштирилган;

спорт натижаларининг ўсишига таъсир қилувчи шиддат зоналаридаги оғирликларни тартибга солиш орқали янгича қўллаш услубияти ишлаб чиқилган;

оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик тизимида иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

оғир атлетикачиларнинг кўп йиилик тайёргарлик тизимида юклама параметрлари вариативлигини рационаллаштириш ҳисобига ўзбек модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигининг назарий ва методологик асоси илмий тадқиқотнинг мантикий изчиллиги, илмий тадқиқотнинг ягона методологик асосда амалга оширилганлиги, етакчи маҳаллий ва хорижий олимларнинг, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва услубияти соҳасидаги амалиётчи тренерларнинг илмий қарашлари билан асосланганлиги, усулларнинг вазифаларга мослиги, тадқиқот мақсади, тажриба қамровининг етарли ҳажми ва репрезентативлиги, экспериментал фаолиятнинг зарурий давомийлиги, тадқиқот материаллари устида миқдорий ва сифат таҳлилини амалга ошириш ҳамда умумлаштиришни биргаликда қўлланганлиги ҳамда математик статистика усуллари билан қайта ишлаб тадқиқот натижаларини жорий қилиш далолатномалари орқали таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп йиллик спорт тайёргарлиги тизимининг турли босқичларининг давомийлиги, тузилиши, мазмуни мазкур педагогик тадқиқот услубияти орқали истиқболли спортчиларни тайёрлашнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқишда назарий ва илмий-услубий асос сифатида оғир атлетика машғулот юкламаси ҳажмини белгилашнинг энг қулай ва ишончли усули орқали штангани кўтаришда ҳар бир ёндашув имкониятларини намоён қилиш учун куч қобилиятига нисбатан техник тайёргарлигини оширишда мусобақа машқларини қўллаш услубияти мазмуни асосини ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлаш асоси сифатида спорт маҳорати шаклланишининг турли босқичларида устувор йўналишларни белгилаш учун гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш, иқтидорли спортчиларни саралаш, спорт маҳоратини ошириш ва такомиллаштиришга ёрдам бериб, илмий тадқиқот натижалари бўйича спортчиларни тайёрлашнинг услубий ишланмалари ва схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда тренерларнинг амалий фаолиятида олий спорт натижаларини сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори малакали оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашнинг илмий-назарий асослари бўйича педагогик тажрибалар давомида олинган натижалар асосида:

кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимида оғир атлетикачиларни дастлабки саралаш бўйича таклифлар “Оғир атлетика назарияси ва услубияти” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сон буйруғига асосан 434-284 рақамли гувоҳнома). Натижада оғир атлетика бўйича саралаш ва танлаб йўналтириш имконияти 16-18% га яхшиланган;

“Ўзбекистон оғир атлетика миллий терма жамоаси” оғир атлетикачиларнинг куч қобилиятларини ривожлантириш учун дам олиш ораликларини режалаштиришда организмнинг тўлиқ тикланиш

имкониятидан келиб чиқиб кўп куч сарф қилинадиган машқларни динамик ва статик фаолиятда изотоник ва ён берувчи тартибда машғулотларга киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон оғир атлетика миллий терма жамоаси машғулоти ва мусобақа жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 04-21/12014-сон маълумотномаси). Натижада оғир атлетика машғулотида куч қобилиятларини ривожлантириш имконияти 17% яхшиланган;

оғир атлетикачиларни мусобақа шароитида штангани кўтаришда ҳар бир ёндошув имкониятларини намоён қилиш учун куч қобилиятига нисбатан техник тайёргарлигини оширишда мусобақа машқларини ассиметрик тартибда қўллаш бўйича таклифлар Тошкент шаҳри Республика олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлимининг ўқув жараёнига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 04-21/12014-сон маълумотномаси). Натижада даст кўтариш гуруҳи оғир атлетикачиларининг силтаб кўтаришдаги спорт натижаларини 21.6%га, силтаб кўтариш гуруҳи оғир атлетикачиларнинг даст кўтаришдаги натижаларини 22.4% га ошириш имконини берган;

кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимининг ҳар бир босқичларида мусобақа шароити бўйича организмнинг захира имкониятлари таъсирчанлидан келиб чиқиб мусобақа шиддатини машғулоти юкламасининг ҳажми нисбати бўйича янги қўллаш услубияти бўйича таклифлар Ўзбекистон оғир атлетика миллий терма жамоалари тайёрлаш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 04-21/12014-сон маълумотномаси). Натижада модель тавсифлар кўп йиллик спорт тайёргарлигининг турли босқичларида натижадор ва истиқболли оғир атлетикачиларни самарали тайёрлаш имконияти 20% оширилган;

оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик тизимини ўтиш даврида жисмоний тайёргарлик даражасини инобатга олиб толиқиш омилларини бартараф этиш учун индивидуал ёндошув орқали иш қобилиятини сақлаб қолишга қаратилган машқлар мажмуасини қўллаш бўйича таклифлар Ўзбекистон оғир атлетика миллий терма жамоаларини тайёргарлик жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 04-21/12014-сон маълумотномаси). Натижада оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акбар Жўраев 109 кг гача бўлган вазн тоифасида даст кўтаришда 193 кг, силтаб кўтаришда 237 кг ва иккикураш йиғиндиси бўйича 430 кг натижа кўрсатиб “Токио-2020” XXXII ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган;

оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик спорт тайёргарлик тизимида назарий ва илмий-услубий асос сифатида спорт маҳорати шаклланишининг турли босқичларида устувор йўналишларни белгилаш учун гуруҳдан гуруҳга ўтиш, саралаш, спорт маҳоратини ошириш ва эришилган натижаларни сақлаб қолишдаги стратегик ёндошувни такомиллаштириш бўйича таклифлар “Оғир

атлетика назарияси ва услубияти” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сон буйруғига асосан 434-284 рақамли гувоҳнома). Натижада тақлиф этилаётган ўзбек модели асосида малакали оғир атлетикачиларнинг спорт тайёргарлиги даражасини аниқлаш ҳамда истиқболларини белгилаш имконияти 27.6% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро, 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий-услубий ишлар, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 11 та мақола, улардан 2 таси хорижий даврий нашрда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 235 бет компьютер матнида баён этилган бўлиб, кириш, 6 та боб, 21 та жадвал, 33 та расм, хулосалар ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Спорт назарияси ва амалиётида муаммоларнинг илмий тадқиқ этилиш ҳолати”** деб номланган биринчи бобида оғир атлетика спорт турининг кўп йиллик ривожланиш босқичлари, оғир атлетикачилар машғулот жараёни хусусияти ва йўналиши бўйича ҳар хил восита ва усуллардан фойдаланиш йўллари тўғри таснифлаш, тизимлаштириш ва машғулотлар жараёнида аниқ атамаларни қўллаш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликнинг ўзаро боғлиқлиги, бир жисмоний сифат ривожланишининг бошқа сифатларга ҳам кўчиши, оғир атлетика спортининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ устувор жисмоний сифатлар, техник-тактик, психологик, саралашда антропометрик кўрсаткичлар, тикланиш усуллари ҳамда тайёргарлик турларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари қаторига ҳаракатланиш

шаклига кўра мусобақалашув машқларига ўхшаш бўлмаган машқлар киради, улар ёрдамида спортчи организмни ҳар томонлама функционал ривожлантириш вазифаси ҳал этилади, иш қобилияти ва ҳаракатлар координациясининг умумий даражаси оширилади.

Махсус жисмоний тайёргарлик машқлари таъсир кучига кўра мусобақалашув машқларига ўхшаш ёки улардан бирмунча устунроқ бўлиши лозим. Фақат шундагина шуғулланганлик ҳолатига эришиш мумкин. Махсус жисмоний тайёргарлик машқлари мусобақалашув машқларидан қанча кам фарқ қилса, шунча кўп самара беради. Техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатлар, уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи машғулот воситалари ва уларни машғулот жараёнига татбиқ қилишнинг таркибий қисмларини илмий-услубий ва физиологик моҳияти мутахассис олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиқ берилган. Машғулот вазифаларини бажариш, умумий ва махсус иш қобилиятини ошириш, функционал захирани тўлиқ ишга туширишни таъминлаш, спортчи организмнинг самарали мослашишига ёрдамлашиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги қиёсий таҳлил қилинган [А.Н.Воробьёв, 1987; Ф.А.Керимов, 2004; Ю.В.Верхошанский, 2007; Э.И.Қодиров, 2007; К.Ф.Баязитов, 2011; В.Н.Платонов, 2013; Р.М.Маткаримов, 2015; Л.С.Дворкин, 2017; А.З.Ходжаев, 2019; М.Ў.Арзиқулов, 2019; ва б.].

Оғир атлетикада қўлланиладиган техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатларни ривожлантириш усуллари бир-бири билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган. Оғир атлетика амалиётида кўп йиллик тайёргарлик босқичларидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот жараёни, машғулотлар тузилиши, техник – тактик тайёргарликда воситаларни тўғри танлаш ва машғулот жараёнига тўғри татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги, юқори малакали оғир атлетикачиларни кўп йиллик тайёрлашнинг илмий-назарий асослари юзасидан илмий-услубий ишлар етарлича ёритилмаганлиги очиқ берилган.

Диссертациянинг **“Оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлиги машғулот дастурларининг тузилиши ва мазмуни”** деб номланган иккинчи бобида оғир атлетика спорт туридаги машғулот юкламаларини баҳолаш мезонларининг тавсифи, махсус жисмоний ва спорт техникаси тайёргарлигида педагогик назорат, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик воситалари, ойлик мезоцикл ва ҳафталик микроциклларда юкламалар мазмуни, миқдори ва мушғулотлараро тақсимланиши кенг ёритилган.

Оммавий разрядли оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлиги жараёнида йиллик машғулот юкламаларининг умумий ва парциал ҳажми ҳамда шиддатини намунавий режалаштириш дастурида техник типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари куч сифатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг

83% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 17% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 73,7% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 26,3% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Куч типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари техникани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг 87,9% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 12,1% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 78,8% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 21,2% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган (1-жадвалга қаранг).

Малакали оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик жараёнида йиллик машғулот юкламаларининг умумий ва парциал ҳажми ҳамда шиддатини намунавий режалаштириш дастурида техник типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари куч сифатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг 71,6% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 28,4% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 66,9% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 33,1% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Куч типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари техникани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг 76,9% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 23,1% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 75,6% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 24,4% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган (2-жадвалга қаранг).

Юқори малакали оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик жараёнида йиллик машғулот юкламаларини умумий ва парциал ҳажми ҳамда шиддатини намунавий режалаштириш дастурида техник типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари куч сифатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг 69,6% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 30,4% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 65% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 35% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Куч типдаги оғир атлетикачилар учун тайёргарлик даврида асосий машғулот юкламалари техникани ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда умумий юкламанинг 74,9% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 25,1% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган. Мусобақа тайёргарлик даврида эса умумий юкламанинг 73,7% техникани яхшилашга қаратилган бўлса, 26,3% куч сифатини ривожлантиришга қаратилган (3-жадвалга қаранг).

Оммавий разрядли оғир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик жараёнида йиллик машгулот юкلامаларининг умумий ва парциал хажми ҳамда шиддатини намунавий режалаштириш

Тажриба гуруҳлари	Даврлар	Юкلامанинг умумий хажми (ШКС)	Машелар гуруҳи	Юклама	Шиддат зоналари бўйича парциал хажмлари						Машелар гуруҳида	
					1	2	3	4	5	6		
					51-60%	61-70%	71-80%	81-90%	91-100%	101-110%		
П Г У Р У Х техник тиклаги спортчилар	Тайёргарлик	2700	ДК, СК, СҚ, ЭН.	ШКС %	19,3	21,7	24,1	17,2	0,6	0,0	83,0	
			Ў.т.т., ДҚШБК СКШБК	ШКС %	522	586	650	464	17	1	2240	
	Мусобака	600	ДК, СК, СҚ, ЭН.	ШКС %	7,7	14,7	29,3	18,5	3,0	0,50	73,7	
			Ў.т.т., ДҚШБК СКШБК	ШКС %	46	88	176	111	18	3	442	
	Ўтиш	300	СК, УЖТ машелари	ШКС %	0	3,8	5,2	10,8	5,2	1,3	26,3	
			Жами % ҳисобда	ШКС %	0	23	31	65	31	8	158	
	Жами ШКС	3600	ШКС %	ШКС %	41,3	34,7	24,0	0	0	0	100,0	
			Жами штангани кўтариш соғи бўйича	ШКС %	124	104	72	0	0	0	300	
	П Г У Р У Х куч тиклаги спортчилар	Тайёргарлик	2700	ДК, СК, СҚ, ЭН.	ШКС %	20,8	24,1	29,0	20,6	3,6	1,9	100
				Ў.т.т., ДҚШБК СКШБК	ШКС %	748	867	1043	742	130	70	3600
Мусобака		600	ДК, СК, СҚ, ЭН.	ШКС %	25,0	23,9	20,6	17,9	0,6	0,0	87,9	
			Ў.т.т., ДҚШБК СКШБК	ШКС %	674	644	556	483	16	1	2374	
Ўтиш		300	СК, УЖТ машелари	ШКС %	0,0	1,7	3,2	3,5	1,8	1,9	12,1	
			Жами % ҳисобда	ШКС %	0	46	86	94	48	52	326	
Жами ШКС		3600	ШКС %	ШКС %	16,0	23,7	22,0	14,7	2,0	0,5	78,8	
			Жами штангани кўтариш соғи бўйича	ШКС %	96	142	132	88	12	3	473	
Жами ШКС		3600	ШКС %	ШКС %	0	3,8	6,5	7,3	2,7	0,8	21,2	
			Жами штангани кўтариш соғи бўйича	ШКС %	0	23	39	44	16	5	127	
Жами ШКС	3600	ШКС %	ШКС %	44	32,0	24,0	0	0	0	100,0		
		Жами штангани кўтариш соғи бўйича	ШКС %	132	96	72	0	0	0	300		
Жами ШКС	3600	ШКС %	ШКС %	25,1	26,4	24,6	19,7	2,6	1,7	100		
		Жами штангани кўтариш соғи бўйича	ШКС %	902	951	885	709	92	61	3600		

Изоҳ: Тайёргарлик даври 12 ҳафта, мусобака даври 3 ҳафта, ўтиш даври 1 ҳафта, умумий бир шикл турт ойдан ibорат. ШКС -штангани кўтариш соғи, ДҚШБК-даст кўтариш соғи, ДҚ-даст кўтариш, СК-силтаб кўтариш, Ў.т.т-ўтриб туриш, СҚ-сиқиб кўтариш, ЭН-энгалиш машқлари, ДҚШБК-даст кўтаришда штангани белгача кўтариш, СКШБК-силтаб кўтаришда штангани белгача кўтариш, УЖТ-умумий жансоний тайёргарлик. Етган ҳолатда сиқиб кўтариш, шик турган ҳолатда сиқиб кўтариш, стулга ўтирган ҳолатда сиқиб кўтариш, пресс, кўларни буккиб ёзиш.

2-жадвал

Малакали огир атлетикачиларнинг кўп йиллик тайёргарлик жараёнида йиллик машгулот юкламаларининг умумий ва парциал ҳажми ҳамда шиддатини намунавий режалаштириш дастури

Тажриба гуруҳлари	Даврлар	Юкламанинг умумий ҳажми (ШКС)	Машқлар гуруҳи	Юклама	Шиддат зоналари бўйича парциал ҳажмлари						Машқлар гуруҳида
					1	2	3	4	5	6	
					51-60%	61-70%	71-80%	81-90%	91-100%	101-110%	
I ГУРУХ техник типдаги спортчилар	Тайёргарлик	3900	ДҚ, СК, СҚ, ЭН	ШКС %	15,9	18,3	21,6	15,3	0,4	0,0	71,6
